

Пекин антропология музейининг етакчи мутахассислари кўп йиллик изланишлар натижасида кўлга киритилган далилларга суяниб, Одам Ато ва Момо Хавво Ер куррасининг турли минтакаларида бир вақтда пайдо бўлган, деган фаразни илгари суришди. Улар фикрича, замонавий одам аждоди – "хомо эректус" Хитойда бундан 1,7 миллион йил олдин пайдо бўлган. Юртимиз худудида бундан қарийб 700.000 – 1,5 миллион йил олдин ибтидоий одамлар яшашган. Тешиктош горидан топилган неандертал одам суяги колдиклари фан оламида жиддий воқеа бўлди.

Олимлар тахмин қилишларича, илк ибтидоий одамлар (неандерталлар) Яқин Шарқ ва Оврупада тахминан 100.000 йил олдин яшашган.

Бундан 9000 йил олдин Хиндистонда биринчи марта зигирпоя толасидан газлама тўкилган.

Шаркий Юнонистон (Гретсия)нинг Кастория шаҳрида учраган топилдикларга кўра, одамзот бундан 6000 йил олдин қайқдан фойдаланиб, балиқ овлаган экан.

Мисрдаги Хеопс пирамидаси бундан 5000 йил олдин тикланган, унинг баландлиги 147 метр, ҳар бири минг тоннали 2300 дона яхлит тошлардан бунёд этилган.

Яхудий ва насроний тарихчилари ҳисобларига кўра, Одам алайхиссаломнинг яратилишидан то Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломнинг кўчишларига (ҳижратларига) орада ўтган вақт турли манбаларда 4742 ва 5992 йил кўрсатилган.

Бундан тахминан 3 – 3,5 минг йил олдин Хоразм, Сўғд, Бактрия, Паркана (Фаргона) ерларида катта-кичик каналлар қазилган.

Милоддан 2000 йил олдин ҳазрати Иброҳим алайхиссалом пайгамбарлиги даври ўтди.

Мамлакатимизда шаҳарсозликка ҳос илк маҳобатли иншоотлар милоддан олдинги иккинчи мингйилликнинг 2-ярми ва биринчи мингйилликнинг бошларида барпо этила бошлаган.

Қуддус ҳақида илк маълумот милоддан олдинги 2-минг йилликнинг ўрталарига бориб такалади. Қуддус шаҳри турли даврларда яхудийлар подшоҳлиги, Македонияли Искандар, Салавкийлар, қадимги Рим, Византия, Араб халифалиги, Салибчилар, Айюбийлар, Мамлуклар давлати ҳамда Усмонли турклар салтанати таркибига кирган.

Қуддус насроний, муслмон ва яхудийлар учун муқаддас шаҳар ҳисобланади. Бу шаҳарда насронийлик, яхудийлик динларининг муқаддас зиёратгоҳлари, муслмонларнинг тарихий Куббатус-Соҳра (VIII аср), қадимий Ал-Ақсо масжидлари бор.

1500 йил илгари Мисрда Фиръавнлар подшоҳлигининг иккинчи Теб даврида ҳазрати Мусо алайхиссалом пайгамбарлиги даври ҳукм сурди.

Мусо алайхиссалом даврида Миср подшоҳи Рамзес Иккинчининг номи Фиръавн бўлган, у ниҳоятда золим ҳукмдор бўлган, ҳудоликни даъво қилган. Кейинчалик Мисрнинг бошқа ҳукмдорлари ҳам фиръавн деб атала бошлади.

Фиръавнларнинг 31 сулоласи мавжуд. Охириги фиръавн милоддан аввалги 356-323 йиллари, македониялик Искандар Мисрни босиб олган пайтда ҳукмронлик қилган.

1000 йил олдин Фаластинда Қуддусни бошшаҳар қилган ҳазрати Довуд алайхиссалом пайгамбарлиги даври кечди.

700 йил аввал Хиндистонда Брахма маданияти шаклланди. Шу даврларда Самарқанд шаҳри тилга олина бошлади.

Фаргона водийидаги Селенгур, Бухоро воҳасидаги Учтут, Охангарон дарёси соҳилидаги Қўқбулок ёдгорликлари милоддан 700–100 йил олдин яшаган қадимий одамлар ҳаётидан

дарак берди.

Милоддан 700 йил олдин Ўрта Осиё халклари Оссурийлар томонида туриб Мидияга карши курашишди.

Милоддан олдинги 600 йилларда хозирги Ўрта Осиё халклари Ахамонийлар Эронига карам бўлиб қолишди.

519 йили хоразмийлар, сугдлар, саклар ва бактрияликлар хакидаги биринчи ёзма кайдлар килинди (Биситун коясидаги Доро 1 ёзуви).

Милоддан олдинги бешинчи асрда яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг "Тарих" асарида Жайхун (Амударё) ва (Сайхун) Сирдарё оралигида яшовчи ўтрок массагет кабилалари хакида маълумот берилди.

600 йил илгари Эронда Зардушт исми бир файласуф томонидан оташпарастлик (мажусийлик) мазхаби ўртага кўйилди.

571 йил олдин хитойликларга ўз мазхабини ўргатган Конфутсий тугилди.

555 йил олдин Хиндистонда Шакйо Моуни исми файласуф томонидан Будда деб аталган янги бир мазхаб чиқарилди.

329 йил илгари Македонияли Александр Мовароуннахрда (Бактрия ва Сўгдиёнада) пайдо бўлди, унга карши Спитамен кўзголови кўтарилди, 327 йили Искандар Хиндистонга юриш бошлади.

Милоддан аввалги 321 йили Бактрия ва Сугдиёна бир хокимликка бирлашди.

250 йиллар атрофида Парфия давлати ташкил топди.

250–140 йиллари Юнон-Бактрия подшоҳлиги ҳукм юритди.

Пахтачилигимиз тарихи 2 – 2,5 минг йилга боради. Бундан 1300 – 1400 йиллар олдин Хоразм воҳасида, Тошкент ва Самарқандда, Фарғона водийида пахта экилган. 1890 йили 2 миллион пуд ҳосил олинган бўлса, 1915 йили бу кўрсаткич тўққиз баравар ошган.

Милоддан илгари иккинчи асрда қадимий Хитой кўлёмаларида Тошкент хакидаги илк маълумотлар пайдо бўлди, турли манбаларда у «Ши», «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Бинкат», «Таркан» деб тилга олинди.

Милоддан олдинги 214 йили Хитой императори Син Ши Хуанди даврида Буюк Хитой девори қурила бошланди, унинг жами узунлиги 5000 километр, баландлиги 6,6 метр.

Милоддан аввалги 175–140 йиллари Шош, Хоразм, Сугдиёнани ўз ичига олган Канг давлати гуллаб-яшнади.

Милоддан олдинги иккинчи-биринчи асрларда илк Кушон даври бошланди.

104–101 йиллари Хитой кўшинлари Довон – Парканага (хозирги Фарғона) бостириб қирди ва парканаликлар томонидан тор-мор қилинди, мустақил Довон (Паркана) давлати ташкил топди.

Милоднинг 1 йили Рум императори Август даврида Куддусда Ҳазрати Исонинг тугилган йили сифатида қабул қилинди ва милодий тақвим бошланди.

4 йили – Ҳазрати Исонинг хақиқий тугилган йили (инглиз тарихчиси Велега кўра).

13 йили Рум императори Тибарюс замонида насронийларга кўра Ҳазрати Исо, Ислом ишончига кўра Исога ўхшатишган Йуда Куддусда хочга миҳланди.

Мисрнинг илк қуёш тақвими милоддан олдинги 45 йили Рим ҳукмдори Юлий Сезар томонидан олинган ва «Юлиан тақвими» деб номланган римча тақвим юзага келган.

Милодий сананинг 1582 йили эса бу тақвимни Папа Григор XIII ислоҳ қилиб, хозирги Григориан тақвимига асос солган.

Милоднинг биринчи–тўртинчи асрларида Кушон подшоҳлиги ҳукм сурди. 105 йили Хўтан, Ёркент ва Қашқар Хитойдан ажралиб Кушонга қўшилди.

Милоднинг учинчи асрида Хоразм Кўшон подшоҳлигидан ажралиб чикди.

395 йили Буюк Рум империяси иккига бўлинди ва Шаркий Рум (Византия) тарихи бошланди (1453 йили тугади).

457 йили Эфталит подшоҳи Вахшунвар Чағониён, Тохаристон, Бадахшонни ўзига бўйсундирди.

Милоднинг бешинчи-олтинчи асрларида Эфталитлар давлати ҳукм сурди.

502–506 йиллари Эфталитлар Сосонийлар томонида туриб Византияга қарши урушда қатнашди.

553–567 йиллари турк ҳокони Силси Эфталитлар подшоҳлигини тугатди.

Олтинчи асрда Турк ҳоконлиги Ўрта Осиёга ҳужум бошлади.

Византия императорлиги милодий 4–15 асрларда ҳукм сурди, у Рим империясининг парчаланиши туфайли унинг шаркий қисмида вужудга келди, Византия хижрий тўртинчи асрда насроний динини қабул қилди, олтинчи асрда Византия номини олди, йигирмадан ортиқ миллатни бирлаштириб сунъий йўл билан ташкил этилган эди.

Олтинчи асрда Турк ҳоконлиги Моваруннахрга ҳужум қилди.

571 йил 20 апрелда Маккадаги хошимийлар маҳалласида пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тугилдилар (12-робиъул-аввал, душанба куни)

610 йил Рамазон ойида Пайгамбаримиз қирк ёшларида Хиро тоғида илк вахийнинг келди ҳамда у зотнинг Маккадаги пайгамбарлик даврлари бошланди. Византияда эса Хиракл (Геракл) сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди (717 йили тугади).

622 йили сафар ойида Пайгамбар алайҳиссалом эллик уч ёшларида ҳазрати Абу Бакр Сиддик билан Маккадан Ясриб (Мадина)га хижрат қилдилар, яъни кўчдилар. Хижрий тақвим шу санадан бошланди.

627-647 йилларда Сўғдиёна ва Хитой ўртасида савдо элчихонаси ишлаб турди.

630 йил Хитой ҳукмдори Сюан хян Ўрта Осиёга келди.

630-659 йилларда Гарбий турк ҳоконлигининг Хитой томонидан сиёсий асоратга туширилишига қарши кураш олиб борилди.

632 йил 8 март куни (зулҳижжа ойининг 9-жумаси) вадо (хайрлашув) ҳажи бўлди ва Маккада тўпланган 124 минг кишилик жамоатга Расулulloх (алайҳиссалом) машхур Вадо хутбасини қилдилар.

632 йил майи (ёки 8 июн), хижрий 11 йил Робиъул-аввал ойининг иккинчи куни Пайгамбар (алайҳиссалом) вафот этдилар ва Хужраи саодатга дафн қилиндилар.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддик халифаликка сайланиб, «Хулафои рошидин» дейилувчи беш халифа даври бошланди.

636 йили мусулмон кўшинлари Ярмак яқинида византияликларни, Кодисияда форсларни мағлуб қилишди.

638 йили Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага хижрат қилишлари (кўчишлари)дан ҳисоблана бошлаган ва 622 йилнинг 16 июлидан бошланган хижрий сана жорий этилди. Мухаррам, сафар, рабиъул-аввал, рабиъус-соний, жумадил-аввал, жумадис-соний, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулкаъда, зулҳижжа хижрий-камарий сана ойлари дир.

649 йили (хижрий 28) Византияга қарши денгиз жанги бошланди ва Кибрис (Кипр) фатх қилинди.

651 йили (хижрий 30) сўнги сосоний ҳукмдор Ёздигирд халок бўлди ва араб фотиҳлари Марвни фатх этишди.

655 йили (хижрий 34) Куръон нусхалари Мусхаф холида кўпайтирилиб, Исломи

ўлкаларига юборилди ва улардан бири Мовароуннахрга келди (хозир Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сакланмоқда).

661 йили Хазрати Али халок бўлди, имом Хасан тахтдан воз кечди, арабларнинг умавийлар сулоласи хукмронлиги бошланди (750 йили кулади).

670 йили тибетликлар Шаркий Туркистонни забт этишди.

673 йил кузида Ислом халифаси Муовия фармонида кўра Убайдуллох ибн Зиёд бошчилигидаги араб фотихларининг Жайхун (Амударё) ортига биринчи юриши бошланди.

676 йили араб фотихлари Хазрати Усмоннинг ўгли Саъид ибн Усмон етакчилигида Бухоро ва Сугдиёнага юриш бошлашди.

680 йили Карбалода Пайгамбаримиз набиралари имом Хусайн ибн Али ўлдирилди.

699 йили (хижрий 80) Куфада ханафий мазхаби бошлиги Имоми Аъзам Абу Ханифа Нўъмон ибн Собит тугилди (милодий 767/ хижрий 150 йили вафот этди).

704 йили Хуросон хокими томонидан Термиз шаҳри забт этилди.

707 йили (хижрий 88) Мовароуннахрда (Ўрта Осиё) Ислом дини ёйила бошлади, араб кўшинлари 712–713 йиллари (хижрий 95) саркарда Кутайба ибн Муслим (715 йили ўлдирилган) бошчилигида Мовароуннахрнинг Самарканд, Шош, Фаргона ўлкаларини фатх қилишди.

711 йили Торик Жанубий Испанияга кирди ва Испания фатхи бошланди, Синдга биринчи юриш ташкил этилди.

711 йили (хижрий 93, баъзи манбаларда 99) моликий мазхаби бошлиги имом Молик ибн Анас Мадинада таваллуд топди (милодий 795/ хижрий 179 йили 84 ёшида вафот этди).

721–723 йиллари Сугд, Самарканд, Панжикентда арабларга қарши кўзғолонлар бўлди.

750 йили (хижрий 132) Заб жанги билан умавийлар салтанати тугатилди ва Хуросонда Абу Муслим бошчилигидаги қонли тўқнашувлар билан Ирокда аббосийлар салтанати барпо этилди (милодий 1258 йили йиқилди).

751 йили (хижрий 133) Марказий Осиёга юборилган Хитой армияси Талас водийида бўлган жангларда қашатгич мағлубиятга учради. Хитойликлардан ўрганилган қозғош ишлаб чиқариш санъати самаркандликлардан мусулмон арабларга ўтди.

750 – 1258 йилларда Ислом дунёсида аббосийлар сулоласи хукмронлик қилди.

756 йили (хижрий 138) умавийларнинг бошқа бир уруги вакили Абдурахмон Биринчи тарафидан Испанияда Андалусия умавий салтанати қурилди (милодий 1031 йили парчаланди).

767 йили (хижрий 150) шофиъий мазхаби бошлиги Имом Мухаммад ибн Идрис Шофиъий таваллуд топди (вафоти милодий 819/ хижрий 204 йил).

780 йили (хижрий 164) ханбалий мазхаби бошлиги Имом Аҳмад ибн Ханбал таваллуд топди (вафоти милодий 855/ хижрий 241 йил).

783–850 йиллари улуг риёзиёт олими Мухаммад Мусо ал-Хоразмий яшади ва ижод қилди.

786–809 йиллари (хижрий 170–193) халифа Хорун ар-Рашид раҳбарлигида умавий салтанати ва араб маданияти гуллаб-яшнади.

797–865 йиллари машҳур комусий олим Аҳмад ал-Фаргоний яшади ва ижод қилди.

810–869 йиллар (хижрий 194–256) атоқли муҳаддис, «Саҳихи Бухорий» муаллифи Абу Абдуллох Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти кечди.

813–833 йиллари умавий халифа Маъмун даврида Ислом илм-фани ва маданияти ниҳоятда юксак тараккий этди.

819/820 йиллари Самарканд, Шош, Уструшона ва Фаргонада Яхё ибн Асад бошлик Сомонийлар сулоласи хукмронлиги бошланди.

821 йили Тохирийлар сулоласига асос солган Тохир ибн Хусайн Мовароуннахр ва Хуросон ноиби этиб тайинланди.

824–892 йиллари улуг мухаддис олим, «Сунани Термизий» муаллифи Абу Исо ат-Термизий хаёти ва фаолияти кечди.

842–864 йиллари Мовароуннахрда Ахмад ибн Асад хукмронлиги даври бўлди.

844 йили нормманлар Испанияга хужум қилиб, мусулмонлар шаҳри Ишбилияни (Севилия) босиб олди.

847–861 йиллари Халифа ал-Мутаваккил даврида мўътазила қозиси хайдалиб, бу оқимга тамоман барҳам берилди ва яна сунний ақидага қайтилди.

848 йили Ок денгизда кемачилик билан шухрат топган аглабийлар Италия сохилларига ёйилишди, яъни Ислом маданияти жанубдан Оврупага ўтди.

873–950 йиллари улуг турк-ислом қомусий олими Абу Наср Форобий яшаб ўтди (хижрий 339 йили Шомда вафот этди).

873 йили шиаларнинг ўн иккинчи имоми Махдий гойиб бўлди. Шу йили улуг араб файласуфи ал-Киндий вафот этди.

874–999 йиллари Бухорода сомонийлар хукмронлиги кечди ва маданияти гуллаб-яшнади. 874–907 йиллари Исмоил Сомоний Бухорода, 892–907 йиллари Исмоил ибн Ахмад Мовароуннахрда, 907–914 йилларда сомоний Ахмад ибн Исмоил, 914–943 йиллари Наср Иккинчи ибн Ахмад, 943–954 йиллари Нух Биринчи ибн Наср, 954–999 йилларда Абдулмалик Биринчи, Нух Иккинчи ва Мансур Иккинчилар хукмронлик қилди.

890 йили Ирокда мулк умумийлигини ёқлаб чиққан қарматийлар яширин оқими пайдо бўлди (қарматийлар 930 йили Каъбадан «Хажарул-асвад»ни ўғирлаб кетишди).

903–976 йиллари шошлик улуг мухаддис ва фақиҳ Абу Бакр ибн Исмоил Каффол Шоший яшаб, ижод қилди.

923 йили (хижрий 310) атоқли муфассир ва муаррих, «Тарихи Табарий» муаллифи Абу Жаъфар Табарий вафот этди (хижрий 234 йили тугилган).

931 йили (хижрий 319) Куртуба (Кордова)да Андалус умавий давлатининг энг машхур хукмдори Абдурахмон Учинчи томонидан дунёга машхур Мадинатуз-Захро саройи барпо этилди.

937 йили Бухорода илк мадраса қурилгани хақидаги маълумотлар пайдо бўлди.

944 йили (хижрий 333) Ахли суннат вал жамоа ақидасининг асосчиларидан бири Имом Абу Мансур Мотуридий вафот этди.

972 йили (хижрий 362) Фотимий хукмдорлар томонидан Кохира (Миср)да машхур «Ал-Азхар» жомеъи (дорилфунуни) барпо этилди.

973–1048 йиллари улуг қомусий олим, Ислом оламининг буюқ математиғи Абу Райхон Беруний хаёти ва фаолияти кечди (хижрий 440 йили вафот этди).

980–1037 йиллари машхур қомусий олим, файласуф ва хақим, «Шайхур-раис» Абу Али ибн Сино яшаб ўтди (хижрий 428 йили Хамадонда вафот этди).

985 йили Салжуқийлар Бухоро атрофларида пайд бўлишди.

992 йили Қорахоний Бугрохон Мовароуннахрга юриш қилиб, Бухорони эгаллади.

995 йили Хоразмшоҳлар (африғийлар) сулоласи тугатилди.

995 – 997 йиллари Амир Маъмун ибн Муҳаммад жанубий ва шимолий Хоразмни ягона давлатга бирлаштирди.

999 йили сомонийлар давлати парчаланиб, ҳокимият тепасига қорахонийлар қелишди

(1212 йили хукмронлиги тугатилди).

998–1030 йиллари газналик Махмуд хукмдори бўлган газнавийлар салтанати хукмронлик килди.

1005 – 1034 йилларда Мовароуннахрда Алп Тегин Илокхон хукмронлик килди.

1010 йили Махмуд Газнавий Хиндистонга юриш килди, Ислом дини Хиндистон заминиغا кира бошлади.

1029 йили турк амирларидан Сабуктегин ўгли Наср томонидан илк «Носирийя» мадрасалари очилди.

1031 йили Испаниядаги умавийлар давлати кулади ва халифалик майда давлатларга парчаланиб кетди.

1034 йили Хоразмда салжукийлар пайдо бўлишди.

1040 йили Эронда буюк Салжук турк давлати курилди (милодий 1157 йили парчаланди).

1065 йили (хижрий 458) буюк Салжук вазири Низомулмулк тарафидан Багдодда «Низомийя» мадрасалари курилди.

1071 йил 26 августда буюк Салжук подшохи Алп Арслон Малазгирт урушида Византия императори Ромен Дийожен устидан галаба қозонди, Онадўлида Туркия салтанати бошланди.

1096 йилдан 1270 йилгача бутпараст насронийлар мусулмон оламига қарши етти марта салиб (хоч) юриши ташкил этишган: буларнинг биринчиси милодий 1096-1099 йилларда; иккинчиси – 1147-1149 йиллари; учинчиси – 1189-1192 йиллари; тўртинчиси – 1202-1204 йиллари; бешинчиси – 1218-1221 йилларда; олтинчиси – 1228-1229 йилларда; еттинчиси эса 1240-1249 йиллари бўлди.

1099 йили Куддуси шариф салибчилар томонидан босиб олинди ва у лотин киролигига айлантирилди.

1111 йили (хижрий 505) машхур Ислом олими ва мутафаккири, «Хужжатул-Ислом» Имом Абу Хомид ал-Газзолий эллик беш ёшида Тус шаҳрида вафот этди.

Ўн иккинчи аср бошларида қорахитойлар Мовароуннахрда пайдо бўлишди, 1141 йили бу ерга иккинчи марта бостириб киришди ва Хоразмга юриш бошлади.

1143 йили (хижрий 538) Мовароуннахрнинг улуг Ислом олими, «Кашшоф» тафсири муаллифи Абулқосим аз-Замахшарий етмиш бир ёшида Журжонда вафот этди.

1175 йили атокли ислом саркардаси Салоҳиддин Айюбий Миср, Фаластин ва Шом ўлкалари султони деб тан олинди.

1187 йили Хиттин яқинида Салоҳиддин Айюбий франкларни қашатгич мағлубиятга учратиб, Куддусни фатҳ қилди.

1198 йили (хижрий 595) Ислом дунёсининг атокли файласуфи андалуслик Ибн Рушд Мароқашда вафот этди.

1199–1220 йиллари Хоразмшоҳлардан Мухаммад Иккинчи салтанати гуллаб-яшнади ва кейин таназзулга учради.

1206–1227 йиллари мўғул саркардаси Чингизхон хукмронлиги даври кечди.

1209 йили (хижрий 606) Мовароуннахрнинг машхур олими, «Тафсири Кабир» муаллифи Имом Фахруддин ар-Розий Хиротда вафот этди.

1219 йили мўғуллар хукмдори Чингизхон Мовароуннахрга бостириб келди ва бир йил ичида Ўтрор, Бухоро, Самарқандни истило қилди.

1235 йили Андалусда тўрт юз йилдан кўпроқ мусулмонлар бошшаҳри бўлган Куртуба (Кордова) насронийлар тарафидан забт этилди ва Гарбда испанлар томонидан Ислом маданияти йўқ қилинди.

1238 – 1516 йиллари Ботухон асосчиси бўлган Олтин Ўрда давлати гуллаб-яшнади, унинг таркибига бошда Хоразм ва Шимолий Кофкоз, кейинчалик Булгория, Дашти Кипчок, Кирим ва Гарбий Сибир кўшиб олинган.

1250 йили Испаниянинг Гарнота (Гренада) шахрида мусулмон хукмдорлар ва меъморлар томонидан жахонда тенги йўк Ал-Хамро саройи барпо килинди.

1258 йили Аббосий халифалар пойтахти Багдод мўгуллар хукмдори Халоку (Хулогу) томонидан босиб олинди; сўнги халифа Мустаъсим фожеавий ўлдирилди, ёзма китоблар Дажла дарёсига улоктирилди ва Шарқда Ислом маданияти йикилди.

1261 йили Мисрда турк мамлуклари хукмдори, улуг сиёсатчи Малик Зоҳир Бийбарс химоясида аббосий халифалик хукмронлиги такрор бошланди (милодий 1517 йили тугатилди).

1273 йили (хижрий 672) атокли адиб, «Маснавийи маънавий» муаллифи Мавлоно Жалолиддин Румий олтмиш тўққиз ёшида Кўнфияда вафот этди.

1291 йили (хижрий 691) атокли форс шоири, «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари соҳиби Шайх Саъдий бир юз икки ёшида Шерозда вафот этди.

1299 йили Кўнфияда Онадўли Салжук подшоҳлиги мўгуллар томонидан тугатилди, Усмон Бей мустақиллик эълон килди ва Усмонли турк салтанати бошланди.

1333 йили машхур араб сайёҳи Ибн Батута Ўрта Осиёга сафар килди.

1370–1405 йиллари Соҳибкирон Амир Темур салтанати хукмрон бўлди.

1370–1506 йиллари Темурийлар сулоласи хукмронлик килди, унга Амир Темур ибн Тарогай Баҳодир асос солган, пойтахти Самарканд ва Хирот бўлган. Темурийлар салтанати Хиндистон ва Хитойдан Кора денгизгача, Орол денгизидан Форс кўлтигигача бўлган улкан ҳудудни камраган эди. Темурий хукмдорлар куйидагилар: Амир Темур ибн Тарогай Баҳодир, Халил Султон ибн Мироншоҳ, Шохрух ибн Амир Темур, Улугбек ибн Шохрух, Абдуллатиф ибн Улугбек, Абулкосим Бобир, Абдуллох мирзо ибн Иброҳим Султон, Султон Махмуд ибн Абулкосим Бобир, Абу Саид ибн Султон Мухаммад, Султон Аҳмад ибн Абу Саид, Султон Али ибн Султон Махмуд, Хусайн Бойкаро, Захириддин Мухаммад Бобурлар.

1394–1449 йиллари атокли олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек яшаб-фаолият юритди.

1390 йили Русияда Москва князлигини истило қилиб турган Олтин Ўрда хонлиги Амир Темур томонидан парчаланди ва русларнинг бу борада жонланишига йўл очилди.

1394 – 1449 йиллари темурий хукмдор, улуг комусий олим Мирзо Улугбек яшаб ўтди.

1402 йили Соҳибкирон Амир Темур билан Эдирна подшоҳи Боязид Йилдирым ўртасидаги Анкара жангида Боязид енгилди, асир олинди, Онадўлида қурилган «Миллий турк бирлиги» парчаланди.

1404 йили Шошда атокли тасаввуф олими ва давлат арбоби Хожа Ахрор Валий тугилди, 1490 йили Самаркандда вафот этди.

1441–1501 йиллари атокли ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий яшаб-ижод килди.

1417–1425 йилларда Бухоро ва Самаркандда Мирзо Улугбек мадрасалари барпо этилди.

1451 – 1469 йиллари Мовароуннахр ва Хиротда Султон Абу Саид мирзо хукмронлик килди.

1453 йили Фотих Султон Мехмет Хон 53 кунлик Истанбул жангида галаба қозонди ва ўрта аср характеридаги Византия императорлиги ўрнига янги асрга хос Усмонли турк салтанати хукмронлиги бошланди.

1483 – 1530 йиллари атокли ўзбек давлат арбоби, саркардаси, шоири Захириддин Мухаммад Бобур яшаб, ижод этди.

1491 йили Испанияда 262 йил давом этган Бани Ахмар (Андалусия) Ислом давлати йиқилди, давлат маркази Гарнота (Гренада)да мусулмонларга қарши дахшатли испан зулмлари бошланди.

1500 – 1601 йиллари Шайбонийлар ҳукмронлиги даври бўлди.

1505 йили Шайбонийхон Хоразмни босиб олди ва мустақил 1511 йили Хоразм хонлиги ташкил топди.

1507 йили Шайбонийхон Хиротни эгаллади ва Тимурийлар сулоласи ҳукмронлиги тугатилди.

1511 – 1920 йиллари Хоразм, туркман кўчманчилари яшайдиган ерлар, Хуросоннинг шимолий қисмида Хива хонлиги ҳукмрон бўлди.

1517 йили турк ҳукмдори Султон Салим Ёвуз томонидан Миср эгаллаб олинди. Сўнг аббосий халифа Учинчи Мутавакқил Аё-Софияда тўпланган турк-араб олимлари ҳузурида халифаликни тарк этиб, уни Султон Салимга берди ва шу тарика Ислом халифалиги араблардан туркларга ўтди (халифалик 1924 йил 3 мартда тугатилди).

1526–1858 йиллари ҳозирги Хиндистон, Афғонистон, Покистон, Бангладеш ерларининг каттагина қисмидан иборат улкан ҳудудда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилди, унга Захириддин Мухаммад Бобур асос солган.

1536 йили Бухородаги Мир Араб мадрасаси қуриб битказилди, 1945 йилдан фаолиятини янгидан бошлади.

1556 йили Бухоро хонлиги ташкил этилди.

1557–1598 йилларда ўзбек хони Абдуллахон Иккинчи ҳукмронлик қилди.

1556–1599 йиллари Бухорода Шайбонийлар салтанати ҳукмронлик қилди.

1558 йили Хива хонлиги ташкил этилди.

1559 йили Москвада Хива хонлиги элчихонаси очилди.

1573–1576 йилларда Абдуллахон Балх, Фаргона, Самарканд ва Шошни босиб олди ва 1583 йили у барча ўзбеклар хони деб эълон қилди, ўзбек миллати таркиб топди.

1582 йили Юлиан таквимиининг хатоси ислох этилиб, папа томонидан Григориан дейилувчи гарб таквими жорий қилди.

1588 йили Тошкентда Абдуллахонга қарши кўзғолон кўтарилди.

1601–1756 йиллари Аштархонийлар сулоласи ҳукмдорлик қилди.

1611–1642 йилларда Имомқулихон ҳукмронлик қилди, 1612–1613 йиллари у Шошни босиб олди ва шошликларни қалтақлатди.

1710 йили Кўконда хожалар ҳукмронлиги тугатилиб, Минглар сулоласи ҳокимиятга келди.

1711–1747 йиллари Абулфайзхон ҳукмронлиги даври бўлди.

1714 йили Бекович-Черкасскийнинг Каспийга юриши бошланди ва 1716 йили денгиз яқинида қалъа қурилди. 1717 йили у Хивага юриш бошлади.

1723 йили Тошкентда Ўрта Осиёда илк бор аҳоли ва хонадонлар рўйхатга олинди.

1740 йили Нодиршоҳ Ўрта Осиёга юриш қилди.

1742 йили қорақалпоқ хонлари Русияга кўшилишди.

1756–1920 йиллари Мангитлар сулоласи ҳукмронлик қилди.

1800–1809 йиллари Кўкон хони Олимхон ҳукмронлиги даври бўлди.

1809–1822 йилларда Кўкон хони Амир Умархон ҳукмдорлик қилди, 1815 йили у Туркистонни эгаллади.



1822–1842 йиллари Кўконда Мадалихон (Мухаммад Алихон) хон бўлди.

1825–1842 йиллари Оллохкулихон хукмдорлик килди.

1827–1860 йиллари Амир Насруллох Бухорода хокимиятни бошкарди ва 1842 йили Кўконга юриш килди.

1845–1858 йиллари Кўконда Худоёрхон хукмронлигининг биринчи даври, 1862–1863 Худоёрхоннинг иккинчи марта тахтга ўтириши, 1866–1875 йиллари Худоёрхоннинг учинчи хукмронлиги даври кечди.

1850 йили Тошкентда 270 та махалла, 310 та масжид, 17 та мадраса, 11 та хаммом, 15 та карвонсарой, 11 минг ховли ва 150 минг ахоли бўлган.

1853 йили ўрис кўшинлари Окмачитни эгаллашди ва Перовск (хозирги Кизил Ўрда) калъасини куришди.

1864 йили чор Русияси кўшинларининг Туркистонга юриши бошланди ҳамда улар Авлиёота (Жамбул) ва Чимкентни эгаллашди.

1865 йил 17 майда Тошкентни чор Русияси кўшинлари босиб олди.

1865 – 1910 йиллари Саййид Мухаммад Рахим Иккинчи хукмдор бўлди.

1867 йили Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди.

1868 йил 2 майда чор Русияси кўшинлари Самаркандни эгаллашди.

1874–1876 йиллари Кўконда хон хукуматига карши Пўлатхон кўзголови бўлди.

1875 йили ўрисларнинг генерали фон Кауфман кўшинлари Кўконни эгаллади ва 1876 йил 19 февралда хонлик тугатилди.

1881–1886 йиллари Ўрта Осиё темирўли курилди.

1892 йил июнида Тошкент ахолисининг тарихда «Вабо кўзголови» номи билан машхур кўзголови бошланди.

1897 йили Туркистон – Рус жугрофия жамияти тузилди.

1905 йил 19 октябрда Тошкент шаҳар Думаси биноси олдида намоишчилар ўкка тутилди.

1907 йили Туркистон ўлкасида 8837 талаба ўқийдиган 316 мадраса, 76270 бола ўқийдиган 6622 бошлангич мактаб фаолият кўрсатган, биргина Тошкент шаҳрида 23 та мадраса бўлган.

1908 йили шаркшунос ва археолог В. Вяткин Самарканд яқинидаги Кўхак тепалиги пойидан Улугбек расадхонаси харобаларини топди.

1909 йили "К. М. Соловёв ва Компанияси" ширкати Андижон, Наманган ва Чустдаги бир неча пахта тозалаш ва ёғ чиқариш заводларини сотиб олиб, ишга туширди.

1909 йили Ригадаги "Грамофон" фирмаси самаркандлик машхур хофиз Хожи Абдулазиз Расулов ижро этган "Ирок", "Насруллои", "Ушшок" макомларини алохида елимтовок (пластинка) килиб чиқарди.

1910 йили Наманган уездининг Питсу кишлогига Г. Лобанов–Ростовскийга карашли олтин кони иш бошлади.

1910 йили Хива хонлигида 500 минг киши, Бухоро амирлигида 2 миллион киши яшаган.

1915 йили Мулла Олим Махдумхўжа Тошкандий каламига мансуб икки жилдли «Тарихи Туркистон» асари Тошкентда нашр этилди.

1916 йили Хўжанд, Андижон, Маргилон, Наманган, Тошкент, Жиззахда ўрис подшоси сиёсатига карши халк кўзголонлари бўлди.

1917 йил 14 мартда тошкентлик атокли маърифатпарвар Мунавваркори Абдурашидхонов бошчилигида «Шўрои Исломия» тараккийпарвар зиёлилар ташкилоти тузилди.

1923 йили Амударё харбий флотилияси базасида Ўрта Осиё пароходчилиги тузилди, унинг таркибида 9 теплоход, 15 баржа, битта ёрдамчи кема бор эди.

1924 йил 27 октябрда СССР Шўролари Марказий Ижрокўми иккинчи сессиясида Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Сотсиалистик Республикалари ташкил этилди. Сессия қарорига кўра, Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига, Қорақалпоғистон автоном вилояти Қозогистон АССР таркибига, Қора-қирғиз автоном вилояти РСФСР таркибига кирди.

1924–1930 йиллари Самарқанд шаҳри Ўзбекистон ССРнинг пойтахти бўлди.

1926 йили Тошкентда 274 автомобил ва мотосикл рўйхатга олинди.

1938 йили Бойсун тоғларидаги Тешиктош горида жаҳонда катта шов-шувга сабаб бўлган қадимий (неандертал) бола скелети топилди.

1939 йили узунлиги 270 километр бўлган Катта Фарғона канали қирқ беш кунда қуриб битказилди. Канал қурилишида 2140 та қолхоздан келган 160 минг қолхозчи қатнашди.

1940 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети (парламенти) лотин ёзувидан қирил ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида қонун қабул қилди.

1942 йили тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов ва хотини Баҳри Ақрамовалар жаҳон уруши туфайли етим қолган турли миллатга мансуб ўн тўрт болани боқиб олишди.

1943 йил 20 октябрда Тошкентда Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон мусулмонлари вакилларининг қурултойида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний назорати (идораси) ташкил этилди.

1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таъсис этилди, унинг СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой томонидан ишлаб чиқилган Низоми 26 июнда имзоланиб, 25 октябрдан қучга кирди.

1953 йилдан Тошкентда беш жилдли "Русча–ўзбекча лугат" ва Абу Али ибн Синонинг кўпжилдли "Тиб қонунлари" асари ўзбек ва рус тилларида нашр этила бошланди.

1957 йили Тошкент вилоятидаги "Шарқ юлдузи" қолхози раиси Ҳамроқул Турсунқуловга учинчи марта Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

1958 йили америкалик машҳур қоратанли кўшиқчи Пол Робсон Тошкентдаги "Пахтақор" стадионида концерт берди.

1966 йил 26 апрелда Тошкентда катта вайронгарчиликлар қелтирган қучли зилзила бўлди.

1966 йил 25 июнда Зарафшон олтин изловчилари 11,8 килоли олтин қуймасини эритиб, давлат хазинасига топширишди.

1968 йили Қуръони қарим нозил бўла бошлаганининг 1400 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўлчами икки хил кўринишдаги Қуръони қарим нашр қилинди.

1968 йили Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси қошида беш тилда «Совет Шарқи мусулмонлари» журнали нашр этила бошлади, кейинчалик у «Мовароуннаҳр мусулмонлари», «Ўзбекистон мусулмонлари», ҳозирда «Хидоят» номи билан чоп этиляпти.

1971 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент Исломи институти (маъҳади) ташкил этилди.

1972 йил майида Самарқанддаги қадимий Бибиҳоним масжидининг қийшайиб қолган минорасини тўғрилаш бўйича ноёб амалиёт ўтказилди.

1974 йили Тошкентда атоқли муҳаддис Имом Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тантана ва анжуманлар бўлди, 1998 йили эса улуг олимнинг 1225 йиллик тўйи ўтказилди.

1975 йили Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги музейдан Бобурнинг "Бобурнома"

асари ўзбекча нусхаси топилди.

1977 йили Тошкентда Ўрта Осиёда ягона метронинг ўн икки километрли биринчи линияси фойдаланишга топширилди.

1978 йили Самарканднинг Регистон майдони қайта таъмирлана бошланди.

1980 йили Бухородаги Лаби ховуз бўйида Шаркнинг кувнок ва доно сўз устаси Насриддин афандига хайкал ўрнатилди.

1990 йил сентябрида Тошкентда машхур муҳаддис олим Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллигига бағишлаб халқаро анжуман ўтказилди.

1990 йил мартда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ислом нури» ҳафталик диний-ижтимоий газетаси чоп этила бошлади.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси совет тузумидан халос бўлиб, мустақилликка эришди ва СССР таркибидан чиқди. 1 сентябр Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни, деб эълон қилинди.

1991 йил 24 сентябрда Тошкентда умумўзбеклар (туркистонликлар)нинг халқаро учрашуви бўлди.

1991 йил 28 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон катта Миллий богининг очилиш маросими бўлди.

1991 йил 18 ноябрда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тасдиқланди.

1991 йил 29 декабрда илк бор муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси президенти сайловлари ўтказилди ва унда Ислом Каримов кўпчилик овоз билан мамлакат президенти этиб сайланди.

1992 йил 28 январда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

1992 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси Оврупада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига (ОБСЕ) аъзо бўлди.

1992 йил 2 мартда Нью-Йоркдаги БМТ биноси олдида Ўзбекистон байроги хилпирай бошлади, шу кундан Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлди. Худди шу куни Наманганнинг Мингбулок қонидан нефт чиқа бошлади.

1992 йил март ойида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Америка Қўшма Штатлари элчихонаси очилди.

1992 йил апрелида Ўзбекистон Халқаро валюта жамғармасига аъзо бўлди. Шу йили Оврупа Тикланиш ва тараққиёт банкига ҳам аъзо бўлди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасдиқланди.

1992 йил 8 декабрда Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида мустақил Ўзбекистон Конституцияси (Асосий Қонуни) қабул қилинди.

1992 йил 10 декабрда мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси тасдиқланди. Унинг музыкасини Мутал Бурхонов, матнини Абдулла Орипов ёзган.

1992 йил 3 июл куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида байрам қунлари тўғрисида»ги Қонунига биноан жумладан «Рўза хайити» (ийдал-фитр) ва «Қурбон хайити» (ийдал адха) диний байрамларининг биринчи куни байрам (дам олиш) қунлари этиб белгиланди.

1993 йил 5 февралда олий ўқув юртларига қирувчилар учун илк бор тест синовлари жорий этилди.

1993 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида Хадичаи Кубро номли хотин-қизлар Ислом ўрта махсус билим юрти иш бошлади.

1993 йил 13 октябрда Ўзбекистон ёшларидан тўксон киши Миср Республикаси олий ўқув

юртларида тахсил олиш учун жўнаб кетди.

1993 йили тошкентлик Бахром Ражабов АКШ университетида халқаро бизнес ва менежмент бўйича бакалавр даражасини олди.

1993 йили Ўзбекистон Республикаси БМТнинг ЮНЕСКО ташкилотига аъзо бўлди.

1994 йил 5 майда "Ўзбекистон Кахрамони" юксак унвони таъсис этилди.

1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон миллий валютаси – сўм муомалага киритилди.

1995 йил апрелида ўзбек авиаторлари Тошкент – Нью-Йорк йўналиши бўйлаб олис хаво йўлини очишди.

1995 йил 17 июнда Кашкадарёдаги Кўкдумалок нефт-газ кони газ конденсати бера бошлади.

1996 йили Ўзбекистон Республикаси Халқаро Ислом Конференсияси Ташкилотига аъзо бўлди.

1997 йил 23 январда Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилди.

1998 йил 1 январдаги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 800 га яқин газета, умумий адади 820 минг нусха бўлган 113 журнал, жами 32 миллион 940 минг нусхада турли китоб ва дарсликлар нашр этилди.

1998 йил 24 февралда "Академик литсейлар ва касб-хунар коллежлари ташкил этиш хақида" қарор қабул қилинди.

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида биноан Тошкент Ислом университети ташкил этилди.

2000 йили Ўзбекистон спортчилари Австралидаги ёзги олимпиадада яхши катнашиб, битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медалини олишди.

2001 йили Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШОС) аъзоси бўлди.

2007 йили Ислом Конференсияси Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти АЙСЕСКО (ISESCO) Тошкентни Ислом маданияти Умумжаҳон пойтахтларидан бири, деб эълон қилди.

2007 йил 18 майда Тошкентда бир неча тарихий ёдгорликларни ўз ичига олган Хазрати Имом мажмуаси барпо этилди ва мажмуага қирувчи жомеъ масжидида илк бор жума намози адо этилди.

2009 йили Тошкент шахрининг 2200 йиллик тўйи нишонланди.

2009 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини жаҳондаги 140 дан ортиқ давлат тан олди, буларнинг 120 дан ортиги билан дипломатик алоқа ўрнатилди, 45 хорижий давлатда Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари ишлаб турибди.

Ахмад Мухаммад Турсун